



ИШОНСН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 2 август, чоршанба №110 (942)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Бугун биз эркинлик ҳавосидан нафас олиб яшаётган, ўз кадр-қимматини, инсоний шаънини, не-не улуг зотларнинг ворислари эканини, ўзлигини англаган, миллий гуруру ва ифтихорини тиклаган, жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаб, XXI асрга дадил қадам қўётган буюк халқимиз.

Ислон КАРИМОВ

Йиллар ва одамлар

ФИДОЙИЛАР

Ўз озодлигини асрай олади

Ярим йилда 1 миллион 85 минг тонна юк ташилди. Даромад 248 миллион сўмга етди. Уртача ойлик маош 12 минг сўмга тўғри келди. 50 фоиз дивидент тўлаш режалаштирилди. Бекобод шаҳридаги «Сарбон» ҳиссадорлик жамияти фаолиятидаги асосий кўрсаткичлар ана шундай қувончли.

Мустақиллик шарофати билан 16-автобус ҳиссадорлик жамиятига айлантирилиши масаласи муҳокама этилаётганда кўплаб сўзга чиққан кишилар билдирган фикр-мулоҳазалар амалда қўлланила бошланганлиги ўз самарасини бера бошлади. Дастлабки вақтлардан ҳар бир автомобил, ҳар бир иш ўрни ҳисобга олиниб, қандай шароитларда фойда олиш мумкинлиги ўрганилди. Натижада иш унумдорлиги ортди. Олинган фойданинг асосий қисми ишчиларнинг ойлик маошларини кўпайтиришга, уларга қулай иш шароитлари яратишга сарфланди.

Қаерда ишчининг меҳнати қадрланса, унинг ўзи, оилавий шароитларига эътибор берилса, одамларда ишга, ўзи меҳнат қилаётган жамоага меҳр уйғонади, ишга муносабати тубдан ўзгаради. Ана шунини ҳисобга олиб, корхона касабаси уюшма кўмитасининг раиси Мирзақул Раҳмонбердиев бош бўлган гуруҳ меҳнатқашларнинг оилавий шароитини ўрганди, зарур ҳолларда арзон нархда ғишт, цемент, шифер масаласида ёрдам берилди. Айрим муҳтож оилаларга ёрдамлар уюштирилди.

Автокорхона таъмирлаш цехларида ускуналар янгилади, хоналар қайтадан таъмирланиб, ёруғ, қишда иситиладиган ҳолатга келтирилди, иш кийимлари, зарарли иш ўринларида ишлаётганлар мунтазам сут билан таъминланди. Дам олиш хоналари, сауна, тиббиёт ва тиш даволаш пунктлари, чойхона, ошхоналар ташкил этилди.

— Мутахассисларимиз, - дейди касабаси уюшма кўмитасининг раиси, - ҳар доим бирор янглик ўйлаб топиш ҳаракатида бўладилар. Энг кўп аҳамият берганимиз — кам харажат билан кўпроқ даромад олиш. Шундай имконият қўлланилди: корхона ва ташкилотларга отланаётган автомобилларнинг тиркамалари сони орта борди. Ҳозирги кунда иш бажарётган 210 та турли русумдаги юк машиналарининг ярми бензинга қараганда кўп марта арзон бўлган табиий газ ёқилгиси билан ишляпти.

Эришилган муваффақиятларни айрим рақамлар билан солиштирадиган бўлсак, бу яққол кўзга ташланади. Даромад ушбу ярим йилда 248 миллион сўмни ташкил этди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 208 фоиз ўсганлигини кўрсатади. 1999 йилнинг олти ойида 1 миллион сўм соф фойда олганди, жорий йилда эса ушбу рақам 15 миллион сўмга етди.

Ҳозирги кунда таъмирлаш устaxonаларининг ҳаммаси тўла жиҳозланиб, замонавий ускуналар ўрнатилган. Учта ошхона, чойхона, тиш қўйиш, физиотерапия, тиббиёт пункти хайдовчилар ихтиёрида. Беморларга малакали шифокорлар хизмат қилляпти. Бу йил 42 беморга касабаси кўмаги билан автокорхона маблағидан 138 минг сўм пул ажратилди. 6 миллион сўм пул моддий ёрдам сифатида берилди. Йилнинг биринчи чораги учун 25, иккинчи чораги учун 50 фоиз дивидент тақсимланди. Бугунги ўрими мавсумида автокорхона хайдовчилари фаол иштирок этганликлари учун пул мукофоти олдилар.

Жамоа байрамлари ахил бўлиб нишонляпти. Тантаналарда пенсияга чиққан кишилар ҳам эътибордан четда қолмайди. Пенсияга кузатилаётган кишилар 10-12 минимал ойлик ҳисобидан рағбатлантирилади. Корхонада меҳнат қилаётган 471 одамнинг ҳаммасига кунига 150 сўмдан овқат пули берилмоқда.

Корхона қошидаги болалар боғчаси мунтазам ишлаб турибди. Ишчиларнинг 60 нафар ўғил-қизлари бу ерда бепул тарбияланмоқда. Эътиборлиси шуки, «Сарбон»га қарашли ёрдамчи бўрдоқчилик хўжалиги ишчиларга мадад бўляпти. Ярим йилда арзон нархларда 1 тонна ғишт, 12 тонна сут тарқатилди. Болалар боғчалари, зарарли иш ўрнидаги ишчиларга сут бепул берилди.

Корхона меҳнатчилари доимо маъмурият ва касабаси уюшма эътиборида. Утган 1999 йил мобайнида «Мадина» санаторийига 40 та йўлланма берилди. Ушбу мақсад учун 700 минг сўм сарфланган бўлса, бу йил олти ойда 30 та йўлланма бепул тарқатилди. Автокорхонада кўп йил меҳнат қилиб, пенсия ёшига яқинлашган кишилар хоҳишига қараб 58 ёшдан пенсияга чиқиши мумкин. Бу икки йиллик пенсия маблағи корхона ҳисобидан тўланади. Бундан ташқари, хайдовчилар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш курслари корхонанинг ўзида ташкил этилган. Ҳар бирига қўйиш харажатлари корхона маблағи ҳисобидан бўлмоқда.


Зарур иши бўлмаган одам идорага, раҳбарнинг олдига келмайди, — дейди раис Азимжон Раҳмонов. — Ҳаммаси бир жамоа кишиларимиз, доимо бир-биримизга ёрдамга тайёр туришимиз зарур. Шунинг учун муаммо тугилдими, марҳамат, кабинетдами, йўлакдами, ҳовлидами, бемалол муражаат қилаверишлари мумкин. Биз ёрдамга тайёрмиз. Яна бир масала — кейинги вақтда режалаштириб турганимиз ишчилар ойлик маошини оширишдир. Август ойидан бошлаб ўртача маош 25-30 минг сўмгача кўтаришни мўлжаллаганимиз. Бунинг учун ҳисоб рақамимизда етарли маблағ бор. Жамоамиз ҳамжиҳатликда, бамаслаҳат иш юритиб, катта ютуқларга эришяпти. Яхши ишлаган одам яхши яшайси керак.

Темур ХАЙДАРОВ, «Ишонсн» муҳбири.

ТУҲФА

Мустақиллик байрамнинг тўққиз йиллиги арафасида Беруний шаҳрида Қорақалпоғистондаги биринчи хусусий тиш даволаш маркази иш бошлади. Янги масканда дастлабки кунийк юздан ортиқ беморлар даволанди, баъзи мижозларга тиш протезлари қўйилди.

Янги тиббий марказда олий тоифадаги стоматолог врачлар, тиш техниклари, ҳамширалар хизмат кўрсатмоқда. Барча муолажа хоналари энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, бу эса аник ташхис қўйиб, беморларни тез даволаш имконини бермоқда.



Бахт учун туғилмиш келажак авлод, Ватан қолур биздан озод ва обод!



Дам олишни биламизми?

Мамлакатимизда дам олиш ва даволаш муассасалари ишини жаҳон андозалари даражасига олиб чиқиш борасида алоҳида тadbирлар амалга оширилди. Бунда санаторийларнинг моддий-техник негизини мустақкамлаш, ётоқ ва ошхона бинолари, маданият масканларини қайта таъмирлаш, уларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга катта эътибор берилди. Ўтган йилнинг ўзида сиҳатгоҳларда юқоридаги мақсадлар учун 515,2 миллион сўмлик маблағ сарфланганини ҳисобга олсак, бу борада қилинган ишлар кўлами қанчалик кенг эканини кўраимиз.

Ўтган йил давомида бир қанча санаторийларда таъмирлаш ишлари олиб борилди ва янгиликларини очигина муваффақ бўлинди. Масалан, бултур Чимбой туманида 75 ўринли янги сиҳатгоҳ ишга туширилди. Бундан ташқари «Қашқадарё соҳили» санаторийида маданият маркази ва ошхона мажмуи қурилиши тугаланиб, фойдаланишга топширилди. Янги физиотерапия бўлими биноси, мева ва сабзавотлар сақлаш омбори қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Бухородаги «Ситораи Мохи Хосса» сиҳатгоҳининг «Б» блокинни тубдан таъмирлашга 150 миллион сўм сарфланди. «Оқтош» ва «Турон» санаторийларида ҳозирги замон талабларига тўла жавоб берадиган оилавий кotteжлар қурилди, «Турон» сиҳатгоҳида қуриб битказилган чўмилиш сув заваси ҳозирги кунда дам олувчилар хизматида. «Чимён»да эски бинолар қайта таъмирланиб, қулай шартшароитга эга бўлган 1-

«Оқтош»да 20 ва 16 ўринга мўлжалланган она ва бола бўлими ишга туширилди. «Мироқи», «Бўстон» ва «Чортоқ»да ҳар томонлама қулайликларга эга бўлган замонавий соғломлаштириш маскани, яъни сув билан даволаш мажмуалари иш бошлади. «Ботаника»да қайта таъмирланаётган 150 ўринга мўлжалланган ётоқ биноси фойдаланиш-бў-ускуналар мавжуд. Сўнги йилларда рефлекс, магнит ва лазер терапияси каби даволаш усуллари жорий қилинди. Даволаш-ташхис жараёнини такомиллаштириш, янгиликларини қўллаш, халқ табобати усуллари билан даволашни татбиқ этиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Ана шу хайрли мақсад йўлида янги даволаш хоналари ва

дрология, игна-рефлексотерапия, инфракизил нурлар билан даволаш хоналарининг ташкил этилгани фикримизнинг яққол далилидир. Бундан ташқари, дам олувчиларнинг талаб ва ис-таклари, улар касаллигига мос равишда ҳамда республикамизнинг ис-сиқ климат шароитини ҳисобга олган ҳолда овқатлантириш ташкил этилган. Маданият саройлари, клублар, кутубхоналарда қизиқарли кечалар, учрашувлар, концертлар, турли ўйинлар ўтказилди. Гузал табиат қўйнига, тарихий ва зияратгоҳ жойларга са-ёхатлар уюштирилади. Юқорида таъкидланганидек, мустақиллик йилларида санаторий-курорт тизимида кўплаб ўзгаришлар юз берди. Барча вилоятларда тиббиёт муассасаларини бунёд этиш, меҳнатқашларнинг ундан баҳрамандлигини таъминлаш йўлида яна бир қатор ишлар қилинмоқда. Хусусан, Хоразмда «Хон-қа», Сурхондарёда «Хўжайи Пок» сиҳатгоҳлари қурилмоқда. Уларни бунёд этишда Ўзбекистон иқлим шароити алоҳида ҳисобга олина-ётир.

Акмал ЙЎЛДОШЕВ, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Курортлар бошқармаси бошлиғи.



ИНТЕРНЕТ АХБОРОТ МАРКАЗИ

Инфоматика ва маркетинг йўналишларида ўқувчиларда пухта билим кўникмаларини ўстириш таълим жараёнида муҳим ўрин тутмоқда. Қи-рай тумани халқ таълими бўлими ҳузур-ида интернет ахборот марказининг очилиши ҳам айни муддао бўлди.

Марказ таълим соҳасини бошқариш, ўқувчилар билим сифатини яхшилаш, инфоматика ва марке-тинг йўналишлари бўйича фаолият кўрсатади.

Марказ энг замона-вий техник жиҳозлар билан таъминланди. Унинг компьютерлари эса интернет тармо-ғига уланди. Бу билан хорижий мамлакатлар таълими янгиликларини туман мактаблари-да оммалаштириш имкони туғилди.

Айни бир вақтда ту-мандаги 25-мактаб-лицейни ҳам интернет тармоғи хизматида баҳраманд бўлиши учун техник асос яра-тилди.

Ақбар АЛИЕВ.

СИҲАТГОҲЛАРДА ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТ

2 ўринли хоналарга айлантирилди. Замонавий анжомлар билан жиҳозланди. 150 ўринга мўлжалланган андро-гинекологик касалликларига ихтисослашган «Умид гулшани» санаторийида беш қаватли ётоқ биноси ишга туширилди. Айни кунларда бу ерда соғломлаштириш юзасидан фаол иш олиб борилмоқда. Соғлом авлод йилида ҳам меҳнатқашларни соғломлаштириш ва дам олишни юқори даражада ташкил этиш юзасидан талай ишлар қилинди. Шу йилнинг ўтган ярмида 20 минг нафарга яқин киши дам олди ва соғлигини тиклади. «Соғлом авлод йили» дастурига мувофиқ қатор санаторийларда қурилиш ва қайта таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун бунга бир неча мисоллар келтирсак: «Гулпаршин» ва

га топширилди. «Умид гулшани» ва «Турон» санаторийларида анги даволаш биноси бунёд этил-моқда ва йил охиригача фойдаланишга топшири-лган бўлади. 18 та са-наторий ва иккита дам олиш уйи республикамиз-нинг энг гузал гушалари-да жойлашган. Ушларинг аксариятида шифобахш сувлар мавжуд. Шу боис, ҳозирги ёзги дам олиш мавсумида деярли барча санаторий-курорт муассасаларида ўринлар тўла банд қилинган.

Шунингдек, барча сана-торийларда минерал сув, балчик, ҳаво ва сув ҳав-залари каби табиий ши-фобахш омиллардан фой-даланилади. Ҳозирги кун талабларига жавоб бера-диган даволаш-ташхис базалари, функционал-ташхис кабинетлари, кли-ник ва биокимёвий лабо-раториялар, УЗИ аппарат-лари ва бошқа тиббий ас-

булинмалар ташкил қилинмоқда. Кейинги йилларда кўпгина сиҳатгоҳлар за-монавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан янги-ланди ва тўлдирилди. Жумладан, «Чинобод», «Қашқадарё соҳили», «Ту-рон», «Чортоқ» ва «Бота-ника» санаторийлари УЗИ, «Алоқа-500», компьютер-ли ЭКГ билан таъминлан-ди. «Турон» ва «Чинобод-да» компьютерли лазер ус-кунаси ишга туширилди. Бир қатор санаторий-ларда сувости уқалаш қурилмалари, лазер, маг-нит ва бошқа янги, замо-навий физиотерапевтик аппарат сотиб олинди. Буларнинг ҳаммаси бе-морларни даволашда яхши натижалар бермоқ-да.

Шу билан бир қаторда янги даволаш усуллари ҳам қўлланилмоқда. Пси-хотерапия, магнит ва ла-зер, сексопатология, ан-

Тadbиркорлик ва тижорат ривожланган шаҳарларда аҳолининг турмуш даражаси анча юксалиб бормоқда. Аммо кишлоқда ўзгаришлар суст бораётганини тан олишимиз керак. Бунинг сабаби нимда?

Авалло айтишимиз керакки, Пре-зидентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган иқтисодий ислохот-лар туфайли, яъни фермер хўжа-ликлари ташкил этилиши натижа-сида қишлоқ хўжалик ишлаб чи-кариши таназулли четлаб ўтиб, ба-рқарорлашди, ривожланди ҳам то-бора яққолроқ сезилмоқда. Чунки манфаатдорлик озиб бораёпти. Зеро, Ислон Каримов «Токи ҳар бир деҳқон ўз меҳнатининг сифа-ти ва самарадорлигига яраша ҳақ олишга, рағбатлантирилишига ишонч ҳосил қилмас экан, қишлоқ-да ҳеч қандай жиддий ўзгаришга эришиб бўлмайди» деганларида минг қарра ҳақдирлар. Қаердаки, фермерлар кўлаб-қувватланаётган бўлса, ўша жойда тadbиркорлар иши ривожланиб, давлатга ва халқ-қа манфаат етмоқда. Бирок ҳамма жойда ҳам аҳвол бир хил эмас. Фермерлик ҳарака-тига ўғил кўз билан қараш, тўсқин-лик қилиш ҳолатлари мавжуд. Ай-

ниқса, фермерларга сервис хизма-ти кўрсатиш, уларни ўғит, техника, ёқилғи ва ҳоказолар билан таъмин-лаш ёмон аҳволда. Мен жуда кўп фермерлар дар-дини эшитганман. Улар, айниқса МТПлар хизматидан қониқмаётти-лар. Сабаби қишлоқ хўжалигига техника хизмати кўрсатиши керак бўлган МТП кўп ҳолларда ўзаро шартномага амал қилмайди. Асли-да шартноманинг ўзи ҳам бир ёқла-ка манфаатдорлик илинжида ту-зилган бўлади. Айтайлик, шартно-мада фермер техника хизмати учун буюртмаларни керакли санадан ка-мида 10 кун олдин МТПга бериши

керак, дейилган. Ҳайдаладиган ёки ишлов бериладиган ёрнинг қачон тобга келишини бунча вақт олдин айтиш қийин. Бундан ташқари, МТП техникалари ҳеч қачон белгилан-назорат қилмайди. Фермер олган ўғит, ёқилғи ҳеч қачон тегишли ҳуж-жатда қайд қилинган микдорга ет-майди. Бу ҳақда шикоят қилиб ҳам бўлмайди. Чунки туманларда битта-

сулот учун ҳақ тўланмаган. Бундай мисолларга исталган туманда кўплаб дуч келиш мумкин. Ҳақини ололмаган кишининг эса ишдан қўнгли совиб бораверади. Умуман олганда эса фермер, деҳқон дала-дан узоқлашмаслиги, мўл ҳосил етиштириш билангина банд бўли-ши керак. Афсуски, ҳозир кўп ҳол-ларда деҳқоннинг вақти ташкилот-лар ўртасида сарсонгарчилик бил-лан ўтиб кетаяпти.

Ниҳоят, асаба тегаятган яна бир нарсаси хусусида айтиш керак. Юқорида эслатганимиздек, шарт-нома тузилганидан қатъи назар за-рур воситалар, ашёлар учун фер-мер ўзи югуриши керак. Анқирғи, фермерга етказиб берилмайди, унинг ўзи олиб кетади. Қисқаси, мутасаддилар ҳосил йиғиб олина-ётгандагина фермерларни йўқлаб қолдилади. Шарномадаги ҳосилни топширолмаса фермернинг боши гағводан чиқмайди. Бошқа вақтда эса гўё фермерни унутиб қўйиша-ди. Хуллас, фермерлик ҳаракатида бундай муносабатга тезроқ чек қўйиш керак. Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонсн» муҳбири.

ФЕРМЕРГА КИМЛАР ПАНД БЕРАЯПТИ?

Бор бўл, оқибат!

Меҳр-шафкат, оқибат, мурувват каби миллий қадриятларимиз мустақилликка эришгач, демократик тамойилларга асосланган ҳозирги давлат тузумимиз шароитидагина рўйбга чиқди. Турли касб-хунар соҳиб бўлган фуқароларимиз қалб амри билан ўзларининг беминнат инсоний ёрдамларини амалда кўрсатмоқдалар. Ана шундайлардан бири пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги «Уста Ширин» маҳалласида истикомат қилувчи тадбиркор Дилбар Отажоновадир. У ўз оила аъзолари билан мана бир неча йиллардан бундан қонуний асосда хусусий «Қодирий» дорихонасини очиб, аҳоли саломатлиги учун зарур бўлган дори-дармонлар билан савдо қилиб келмоқда. Оила аъзолари ўзаро келишиб ҳалол меҳнат эвазига кўраётган даромадларининг маънавий бир қисмини хайрия тadbирларига сарфламоқдалар. Масалан, шу йил Дилбар опа ўз маҳалладошлари — кам таъминланган, кўп болали, боқувчисини йўқотган оилаларга қўшимча моддий ёрдам тариқасида қирк минг сўм ҳада этди.

Барча маросимларни ўз шахсий ҳисобларидан ташкил этдилар. Ҳозирги кунда Д.Отажонов ва оиласи 6 йилдан бундан меҳнат қилиш қобилиятини йўқотган 45 ёшли ногирон аёл Зухраҳонни ўз қарамогларига олганлар. Бу ногирон аёлга керагича меҳр-мурувват, саховат кўрсатилмоқда.

Дорихонада шприцлар, тиббиёт асбоб-анжомлари кабилар ҳам сотилади. Четдан дори-дармон келтиришда тадбиркор оила маҳаллий саноатимиз ишлаб чиқараётган махсус пойабзал, кийим-кечаклар кабиларни (бу махсулотлар Қўқон шаҳар қорхоналарида тайёрланади) Россияга олиб бориб, улар ҳисобига сифатли дори-дармонларни Москва, Уфа ва Санкт-Петербург шаҳарларидан келтирмоқдалар.

Малик Нуриддинов, журналист.

САХОВАТ

Шунингдек, тадбиркор аёл Саиджон Калоннов номли 96-ўрта мактабни таъмирлаш тadbирлари учун 50000 сўмлик лак-бўёқ, алибастр каби қурилиш материалларини олиб берди. Ҳозир улардан мактабнинг таъмирлаш ишлари учун фойдаланилмоқда.

Оилаларни бепул дори-дармонлар билан таъминлаётганлар. Ушбу оилани дори-душослар оиласи, дейишади. Омилкор кишилар 3 лицензияга асосан тадбиркорлик фаолияти юритишади.

Яқинда дори-душослар оиласи яқин қўшинлари — кўп йиллар ёлғиз яшаб вафот этган онахонни дафн этиб,

ТАДБИРКОР ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлди. Унда Президент Ислоҳ Қарорининг Вазирлар Маъжасининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва иқтисодий ислохотларнинг 2000 йил биринчи ярми якунларига бағишланиб ўтказилган мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди. Адлия вазири А.Полвонзода шу ҳақда маъруза қилди.

Мажлисда ўтган вақт мобайнида вазирлик фаолиятини янада такомиллаштириш, хусусан, тадбиркорлар фаолиятининг ҳуқуқий ҳимоялашни янада пухтароқ таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Қабул қилинган қонунлар, ҳуқуқат қарорлари ва идоравий меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш асосида тадбиркорликни эркинлаштириш учун зарур ҳуқуқий пойдевор яратилди. Адлия вазирлиги томонидан вазирлик ва идораларнинг амалдаги барча 1130 зиёд меъёрий ҳужжати инвентаризация қилинди. Шулардан 436 таси қайта кўриб чиқиш учун тегишли идораларга тақдимномалар жўнатилиб, амалдаги, жумладан, тадбиркорликка оид қонунларга мослаштирилди. Вазирлар Маъжасининг қарорига мувофиқ вазирлик тизимида тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бошқармаси, вилоят адлия бошқармаларида эса тегишли бўлимлар тузилди, маҳалла мутахассислар билан таъминланди.

Тадбиркорлар фаолиятига ҳар қандай асоссиз аралашув, ноқонуний текширишларга барҳам бериш, тадбиркорларни қонунга зид ҳолда жиноий жавобгарликка тортилишидан ҳимоя қилиш — адлия идораларининг асосий вазифаси этиб белгиланди. Тадбиркорларга ноқонуний текширишлар натижасида етказилган моддий зарар айбдор мансабдор шахслар ҳисобидан ундирилмоқда.

Шу билан бирга, тадбиркорнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялашда барча имконият ва ҳуқуқий воситалардан фойдаланиш, адлия идоралари ҳўжалик юривчи субъектларга шартномавий муносабатлар, айниқса ички ҳўжалик шартномалари бўйича ҳуқуқий ёрдам бериш ишлари ҳам шу кун талаби даражасида эмаслиги қайд этилди.

(Давоми.Боши ўтган сонда)

21-модда. Ходимларнинг қорхонадаги вакиллиги

Меҳнатда оид муносабатларда ходимларнинг манфаатларини ифода этишда вакил бўлиш ва бу манфаатларни ҳимоя қилишни қорхонадаги қасаба уюшмалари ва уларнинг сайлаб қўйиладиган органлари ёки ходимлар томонидан сайланадиган бошқа органлар амалга ошириши мумкин, бу органларни сайлаш тартибини, уларнинг ваколатлари мuddати ва микдор таркибини меҳнат жамоасининг йиғилиши (конференцияси) белгилайди. Ходимлар вакиллик қилишни ҳамда ўз манфаатларини ҳимоя этишни ишониб топширадиган органни ўзлари белгилайдилар.

Барча вакиллик органлари ўз ваколатлари доирасида иш олиб боради ва ходимлар манфаатларини ҳимоя қилишда тенг ҳуқуқлардан фойдаланади.

Қорхонада бошқа вакиллик органларининг ҳам бўлиши қасаба уюшмаларининг ўз вазифаларини амалга ошириш борасидаги фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги лозим.

Ходимлар ва иш берувчиларнинг манфаатларини битта вакиллик органи ифода этиши ва ҳимоя қилиши мумкин эмас.

Вакиллик органларининг фаолияти уларни сайлаган ходимларнинг қарорига биноан, шунингдек улар қонун ҳужжатларига зид хатти-ҳаракатлар содир этган тақдирда эса — суд томонидан ҳам тугатилиши мумкин.

22-модда. Қасаба уюшмалари

Қасаба уюшмаларининг ва улардаги сайлаб қўйиладиган органларнинг давлат ва ҳўжалик органлари, иш берувчилар билан ўзаро муносабатларидаги ҳуқуқлари қонун, усталлар, жамоа келишувлари ва шартномалари билан белгиланади.

23-модда. Ходимлар вакиллик органларининг ҳуқуқлари

Ходимларнинг вакиллик органлари қуйидагиларга ҳақлидир: музокаралар олиб бориш, жамоа шартномалари ва келишувлари тузиш, уларнинг бажарилишини текшириб туриш, иш берувчи қорхонада меҳнат тўғрисида норматив ҳужжатлар тайёрлаш юзасидан таклифлар киритиш;

қорхонани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир масалаларни кўриб чиқишда қатнашиш;

меҳнат низоларини кўрувчи органларда ходимлар манфаатини ҳимоя қилиш;

иш берувчи ҳамда у вакил қилган шахсларнинг қарорлари меҳнат тўғрисидаги қонунлар ёки бошқа норматив ҳужжатларга зид бўлса ёхуд ходимларнинг ҳуқуқларини бошқача тарзда бузаётган бўлса, бу қарорлар устидан судга шикоят қилиш.

Вакиллик органлари ижтимоий-меҳнат муносабатларида ходимларнинг манфаатларини ҳимоя этишга қаратилган бошқа хатти-ҳаракатлар ҳам, башарти бу хатти-ҳаракатлар қонун ҳужжатларига зид бўлмаса, қилишлари мумкин.

Ходимларнинг вакиллик органлари ҳуқуқларининг амалга оширилиши қорхонада меҳнат самарадорлигини пасайтирмаслиги, ўрнатилган тартиб ва иш режимини бузмаслиги керак.

24-модда. Иш берувчининг ходимларнинг вакиллик органлари олдидаги мажбу-

риятлари Иш берувчи қуйидагиларни амалга ошириши шарт: ходимлар вакиллик органларининг ҳуқуқларига риоя қилиш, уларнинг фаолиятига қўмаклашиш;

ходимларнинг манфаатларига тааллуқли қарорлар қабул қилишдан олдин уларнинг вакиллик органлари билан маслаҳатлашиш, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда кўрсатилган ҳолларда эса — уларнинг розилигини олиш;

ходимлар вакиллик органла-

Вакиллик органларидаги сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайлангани муносабати билан ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилган ходимларга уларнинг сайлаб қўйиладиган лавозимдаги ваколати тугаганидан кейин аввалги иши (лавозими) берилади, бундай иш (лавозим) мавжуд бўлмаса, — аввалгисига тенг бошқа иш (лавозим) берилади.

Вакиллик органлари таркибига сайланган ходимларга тегишли иш (лавозим) бериш имконияти бўлмаган тақдирда улар қонунларда ёки жамоа шартно-

ХОДИМЛАР ВА ИШ БЕРУВЧИЛАРНИНГ ВАКИЛЛИГИ

ХУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

рнинг таклифларини ўз вақтида кўриб чиқиш ва қабул қилинган қарорлар ҳақида уларга ёзма равишда асосли жавоб бериш;

ходимларнинг вакиллик органлари аъзоларини қорхонага, манфаатлари ифода этилаётган ходимларнинг иш жойларига монеликсиз қўйиш;

ходимларнинг вакиллик органларига меҳнат, қорхона фаолияти масалаларига ва бошқа ижтимоий-иқтисодий масалаларга доир ахборотни текин бериш;

ходимларнинг вакиллик органларига ўз вазифаларини бажаришлари учун зарур шароит яратиш;

ходимларнинг вакиллик органларига нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариш.

25-модда. Ходимлар вакиллик органлари аъзоларининг меҳнат соҳасидаги қўшимча кафолатлари

Ходимларнинг вакиллик органлари аъзоларига ўзларининг вакиллик фаолиятларини амалга оширишлари муносабати билан иш берувчи томонидан бирон бир шаклдаги таъкиб қилинишдан ҳимоя этиш кафолатланади.

Вакиллик органлари таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишдан озод этилмаган ходимларга интизомий жазо беришга, улар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга, шунингдек вакиллик органлари таркибига сайланган ходимлар билан меҳнатга оид муносабатларни уларнинг сайлаб қўйиладиган лавозимдаги ваколати тугаганидан кейин икки йил давомида иш берувчининг ташаббуси билан маҳаллий меҳнат органининг олдиндан розилигини олмай туриб бекор қилишга йўл қўйилмайди.

малари, келишувларида назарда тутилган имтиёزلардан фойдаланадилар.

26-модда. Ходимлар вакиллик органларининг фаолиятига тўсқинлик қилишнинг таъқиқланиши

Ходимлар вакиллик органларининг қонуний фаолиятига ҳар қандай тарзда тўсқинлик қилиш таъқиқланади.

Ходимлар вакиллик органларининг фаолиятини иш берувчи ёки у вакил қилган шахслар ташаббуси билан тугатишга йўл қўйилмайди.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган ҳаракатларни содир қилган иш берувчи ёки у вакил қилган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

27-модда. Иш берувчиларнинг қорхонадаги вакиллиги

Қорхонада иш берувчи номидан вакилликни маъмуриятнинг мансабдор шахслари меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар, уларнинг усталлари ёки низомилари асосида берилган ваколатлар доирасида амалга оширадилар.

28-модда. Иш берувчиларнинг вакиллик органлари

Иш берувчилар уюшмаларга, ассоциацияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига бирлашишга ҳақлидир. Иш берувчиларнинг жамоат бирлашмалари ихтиёрий жамоат ташкилотлари сифатида тузилади ва иш олиб боради, уларнинг мақсади иқтисодий ва тадбиркорлик ташаббусини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, қасаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органлари билан ўзаро муносабатларда қорхоналар ва улар мулкдорларининг манфаатларини ифода этиш йўли билан ижтимоий шериқчиликни амалга ошириш, ҳўжалик ва меҳнатга оид муносабатлар соҳасида уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Марғилонда ёлғиз, қаровга муҳтож қарияларнинг саломатлигини тиклашга мўлжалланган «Шафоат» уйи очилди.

КЕКСАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Республика Вазирлар Маъжасининг «2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорига биноан ташкил этилган ушбу марказда бирийўла ўн нафар қария ўн кунлик ҳордик давомида соғлигини текширтириб, керакли муолажаларни олади. Йил давомида шаҳардаги 90 нафар қаровга муҳтож кексаларга, 320 нафар ёлғиз қариялар бу ғамхўрликдан баҳраманд бўлишади.

МЕҲРИДАРЁ

Оққўрғон туманининг Олимпкент кўрғонидagi «Дилдор» хусусий қорхонасининг фаолият кўрсата бошлаганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Унга ўз касбининг устаси, ўнлаб ёшларнинг устози, Ўтқир Боймухамедов раҳбарлик қилиб келмоқда.

— Ҳозирги кунда қорхонанинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўкони харидорларга сифатли ва арзон маҳсулотлар етказиб беришга катта аҳамият бермоқда, — дейди у. — Ўз ички имкониятларимизни қайта чамалаб кўриб, хизмат кўрсатиш турларини кўпайтиришга, хизмат маданиятини янада оширишга ҳаракат қилаёلمиз. Ҳадемай қорхонамиз қошида конфет ва ҳар хил нон маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган цехни ишга тушираемиз.

Шу кунларда қорхона дўкони жамоаси кам таъминланган, кўп болали, қаровчисини йўқотган 15 нафар оилага моддий ёрдам кўрсатмоқда. Шунингдек, туман «Наврў» жамғармаси ва туман кўрлар жамиятига ҳам амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

П. ЭРГАШЕВ.

Суратда: Савобли иш одамлар ўртасидаги меҳр-оқибатни янада кучайтиради.



дировга тегишли «Қурбон-оила» хусусий фирмаси ходимлари, умуман, тадбиркорлик билан шуғулланувчи яна кўплаб кишилар буну яши билишади.

ни 4700 тоннага яқинлашиб қолди. Бунда «Ҳайдар», «Нарғиз», «Пахтакор», «Хумо» каби фермер ҳўжаликларининг катта улуши бор. Гарчанд қурғоқчилик туфайли ҳосилнинг талай қисми ноноб бўлган эса-да, 36 та фермер ҳўжалиги давлат

тени аямайдиган тажриба-корлар фермерлар орасида ҳам талайгина. Лапас Икромов кекса деҳқон, пахтачиликда суяғи қотган. «Бобур» номли ҳўжаликда узок йиллар бўлим бошқарувчиси бўлиб ишлаган. Ҳозир 50 гектар галла, 49 гектар пахта майдони бор. Чорвачилик билан ҳам шуғулланади. Шу мақсадда 26 гектарда озуқабоп экинлар эккан — беда дейсизми, макка дейсизми, ҳаммасидан топилади. Даромад ҳам шунга яраша. Катта оила орзу-хавасларидан орттириб, ёрдамталаб кишиларнинг бошини сийлашни ҳам ёддан чиқармайди, барака топур...

Дарвоқе, «Ташаббус—99» вилоят кўрик-танлови голиби, Республикада хизмат кўрсатган кишлоқ ҳўжалик ҳодими Лапас Икромов сингари ишбилармон ва саховатпеша фермерлар оз эмас. «Умарқул хожи» фер-

ОДАМЛАРИ

самараси, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, кўп жиҳатдан ризқ-рўзимиз бунёдкорлари бўлган деҳқон ўзини том маънода ҳўжайин ва мулк эгаси деб ҳисоб қилишга боғлиқ. Беихтиёр савол турлади: Оқолтин туманида бунга қай даражада муваффақ бўлинмоқда? Булар 5675 тонна пахта, 3293 тонна галла етишди, фермерларимизнинг тирган фермерларимизнинг бу йилги ишлари яна ҳам баланд. Улар томонидан шу кунгача уйилган дон хирмо-

миз етиштирган маҳсулотни қачон ўзини сотиш ҳуқуқига эга бўламиз, каби саволларга жавоб беришга ҳам тўғри келди. Чамаси киш фақлида фермерлар ўртасида ташкил қилинган каби ўқувларни қилиш ҳам ўрта бизнес билан шуғулланувчи ишбилармонлар ўртасида улар учун қулай пайтда жорий этиш мақсада мувофиқ тушолади.

Чўққига бирдан чиқилмайди. Гарчанд тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатимизда муайян муваффақиятларга эришилган бўлса-да, бу йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган муаммолар ҳали талай. Хусусан, муҳтарам Президентимиз алоҳида таъкидлаб ўтганларидек, тадбиркорлар ўртасида ҳуқуқий тушунтириш ишлари сунт олиб боришда, Уларнинг кўпчилиги ўз

ҳуқуқларини, тадбиркорлар учун амалда қандай имтиёз ва кафолатлар мавжудлигини етарли даражада билимайдилар. Яқинда вилоят ҳўжалик суди, Адлия бошқармаси, Товар ишлаб чиқарувчиси ва тадбиркорлар палатаси, туман прокуратураси вакиллари иштирокида ўтказганимиз ҳуқуқий—амалий семинар чоғида бу, айниқса, яққол кўзга ташланиб қолди. Тадбиркорлар баъзан керакли ҳужжатларни тўла тахламай, мисол учун, фуқаролар йиғинидан кафолат хатига эга бўлмай банкдан кредит талаб қилган ҳоллар ҳам учраётганини дуч келинди.

Айни чоғда кўплаб бюрократик тўсиқлар олиб ташланганиги, хусусан, Текширув дафтарининг жорий қилиниши туфайли суиистеъмолларга барҳам берилаётганидан манъуният изҳор қилинди. Таклифлар ҳам тушди. Биз ўзи-

миз етиштирган маҳсулотни қачон ўзини сотиш ҳуқуқига эга бўламиз, каби саволларга жавоб беришга ҳам тўғри келди. Чамаси киш фақлида фермерлар ўртасида ташкил қилинган каби ўқувларни қилиш ҳам ўрта бизнес билан шуғулланувчи ишбилармонлар ўртасида улар учун қулай пайтда жорий этиш мақсада мувофиқ тушолади.

Утган йиллар тажрибасидан келиб чиқиб бир нарсани қатъиян айтиш мумкин: шу заминга киндик қони тўкилган инсон борки, она тулпорига гуллар уншини, боғу бустонга айланшини, ўзи, қўни-қўшилари, маҳалла-қўйи, ўзи яшаб турган туман, вилоят ва ниҳоят жонаҳон юрт фуқаролари фаровон ҳаёт кечиршини чин дилдан истайд. Бунинг учун шароит ярати берилса бас. Олдий бир мисол: ёнилги-мойлаш материаллари билан таъминлашни

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ МЕВАСИ

Нарпай туманидаги «Зарафшон» ширкат ҳўжалигида галла тайёрлаш режаси ошириб бажарилгани натижасида ҳўжалик аъзоларига қарийб 260 тонна бугдой тарқатилди. Шунингдек, ширкат ҳудудида яшовчи қариялар, ногиронларга 1800 тонна галла бепул берилди.

Шуниси диққатга сазоворки, ҳўжаликдаги хонадонлар тўла галла штириб, ичимлик суви билан таъминланган. Кейинги йилларда 2 та кишлоқ врачлик амбулаторияси қурилиб ишга туширилди.

Олимжон МИРҲАБИВОВ, Олий Мажлис депутати, Оқолтин тумани ҳокими.

Мунозара учун мавзу

(Боши ўтган сонда)
— Пайравлик ва тақлидчиликка муносабатингиз?
— Кўпинча пайравлик адабиётда, тақлид кўшиқчиликда намойён бўлади.

Тарихдан маълумки, алломаларимизнинг кўпчилиги асосий хунаридан ташқари, бошқа иш билан ҳам машғул бўлганлар. Шоир Фаридиддин Аттор атторлик қилган, кўпгина асарлар ёзган, илм билан шуғулланган, тасаввуф намояндаси бўлган.

майди. Гулшанда гул кўп, лекин хушбўй гулдаста бўлишига муносиб гуллар оз. Нима бўлганда ҳам мен эстрадамиз шинавандаларининг ҳар қандай тоифасига маъқул ва манзур бўладиган куй, кўшиқлар ижод қилишларини истардим.

— Худди жаҳоннинг кўпгина халқлари мумтоз кўшиқларимизга, мақомларимизга мафтун бўлгани каби...
— Назаримда, мақом—санъат,

ДИЛКАШУ
ДИЛҒАШ
НАВОЛАР

Кўшиқчиликда ҳам шу каби, ўз мустақил йўлини, йўналишини топиб олгунга қадар ижобий, бироқ тақлидчиликни ўзига касб қилиб олган хонанда ўз оёғига ўзи болта урган кишининг аҳволига тушиб қолиши мумкин.

тушган куй, кўшиқ, ким яратганлигидан қатъи назар, умрбоқийдир. Кўшиқчилик соҳасида ўз йўлини толаган хонандаларимиз Султонпошша Ҳаева,

ат, нафосатнинг туганмас сарчашмаси, дурдонаси, жаҳожиқидир. У ўтмишда, ҳозир ҳам элқ ардоқли, тансиқ, лазиз халқ мусиқаси мероси, бойлигидир.

— Забиҳилло ака, кўшиқларимиз матнлари тўғрисидаги фикрингиз?

— Кўшиқларимиз кўпинча хонандаларнинг ўзлари томонидан ёзилган бўлади.

— Ва ниҳоят, санъаткорнинг қандай фазилатларини ёқтирасиз?

— Кўшиқчиликда ҳам шу каби, ўз мустақил йўлини, йўналишини топиб олгунга қадар ижобий, бироқ тақлидчиликни ўзига касб қилиб олган хонанда ўз оёғига ўзи болта урган кишининг аҳволига тушиб қолиши мумкин.

— Бугунги кўшиқчилигимизни эстрадасиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Уни ҳаммага баравар ёқади дейишимиз кийин...

— Санъаткорми, ижодкорми, ким бўлмасин, уни беэйдидан олижаноб фазилат бу кўнгли пок, бағри кенг, гуноҳ ва савобни фарқлай биладиган мардлик, ўзгалар муваффақиятидан хурсанд, ҳақиқий дўст бўладиган, ҳар бир қадамини пул билан ўлчамайдиган, саховатига одамгина санъаткор деган юксак мақомга эга бўла олади.

— Забиҳилло ака, кўшиқларимиз матнлари тўғрисидаги фикрингиз?

— Кўшиқларимиз кўпинча хонандаларнинг ўзлари томонидан ёзилган бўлади.

— Санъаткорми, ижодкорми, ким бўлмасин, уни беэйдидан олижаноб фазилат бу кўнгли пок, бағри кенг, гуноҳ ва савобни фарқлай биладиган мардлик, ўзгалар муваффақиятидан хурсанд, ҳақиқий дўст бўладиган, ҳар бир қадамини пул билан ўлчамайдиган, саховатига одамгина санъаткор деган юксак мақомга эга бўла олади.

Кўшиқнинг сўзи содда, раво бўлиши ва у маъносини ўзинг билиб ол, қабилида бўлмаслиги керак. Сўнги вақтларда «майда-майда» деган сўзлар кўлланилган кўшиқлар сонни орттириб бормоқда.

— Юртбошимиз эстрадасиз, тўғрисида, миллий эстрадасиз тўғрисида ўзларининг ҳақонини, сермазмун фикрларини ўртага ташладилар. Ўзбек шинавандалари учун янгилик ҳисобланган санъатнинг, аниқроғи, кўшиқчиликнинг бу турини 50-йилларда раҳматли Ботир Зокиров бошлаб берди.

— Санъаткорми, ижодкорми, ким бўлмасин, уни беэйдидан олижаноб фазилат бу кўнгли пок, бағри кенг, гуноҳ ва савобни фарқлай биладиган мардлик, ўзгалар муваффақиятидан хурсанд, ҳақиқий дўст бўладиган, ҳар бир қадамини пул билан ўлчамайдиган, саховатига одамгина санъаткор деган юксак мақомга эга бўла олади.

— Забиҳилло ака, кўшиқларимиз матнлари тўғрисидаги фикрингиз?

— Кўшиқларимиз кўпинча хонандаларнинг ўзлари томонидан ёзилган бўлади.

— Санъаткорми, ижодкорми, ким бўлмасин, уни беэйдидан олижаноб фазилат бу кўнгли пок, бағри кенг, гуноҳ ва савобни фарқлай биладиган мардлик, ўзгалар муваффақиятидан хурсанд, ҳақиқий дўст бўладиган, ҳар бир қадамини пул билан ўлчамайдиган, саховатига одамгина санъаткор деган юксак мақомга эга бўла олади.

— Забиҳилло ака, кўшиқларимиз матнлари тўғрисидаги фикрингиз?

— Кўшиқларимиз кўпинча хонандаларнинг ўзлари томонидан ёзилган бўлади.

— Санъаткорми, ижодкорми, ким бўлмасин, уни беэйдидан олижаноб фазилат бу кўнгли пок, бағри кенг, гуноҳ ва савобни фарқлай биладиган мардлик, ўзгалар муваффақиятидан хурсанд, ҳақиқий дўст бўладиган, ҳар бир қадамини пул билан ўлчамайдиган, саховатига одамгина санъаткор деган юксак мақомга эга бўла олади.

— Забиҳилло ака, кўшиқларимиз матнлари тўғрисидаги фикрингиз?

— Кўшиқларимиз кўпинча хонандаларнинг ўзлари томонидан ёзилган бўлади.

— Санъаткорми, ижодкорми, ким бўлмасин, уни беэйдидан олижаноб фазилат бу кўнгли пок, бағри кенг, гуноҳ ва савобни фарқлай биладиган мардлик, ўзгалар муваффақиятидан хурсанд, ҳақиқий дўст бўладиган, ҳар бир қадамини пул билан ўлчамайдиган, саховатига одамгина санъаткор деган юксак мақомга эга бўла олади.

АМЕРИКАЛИК «МАҚОМЧИЛАР» - ЎЗБЕКИСТОНДА

Ҳозир Шимолий Америкада Марказий Осиё минтақасидан борган 100 мингга яқин яҳудий истиколат қилари. Уларнинг асосий қисмини бухоролик яҳудийлар ташкил этади.

шхур «Ялла» гуруҳининг АҚШга бориши режалаштирилган. 1 август куни эса Тошкентдаги «Туркистон» саройининг ёзги биносида атоқли санъаткорлар Муҳаббат Шамаева ва Илёс Маллаев ҳамда «Мақом» концерт гуруҳи иштирокидаги «Ўзбекистон - ватаним маним» деб номланган хайрия концерти намойиш этилди.

Конгресс ўз фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ АҚШ ва Канаданинг Ўзбекистон билан сиёсий-иқтисодий, маданий алоқаларини яхшилаш масаласига катта эътибор бера бошлади. 1999 йилнинг 3 сентябрида АҚШ ва Канададаги бухоролик яҳудийлар конгресси билан «Ўзбекистон-АҚШ» дўстлик жамияти ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланди.

Ўзбекистон халқ артисти Муҳаббат Шамаева ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Илёс Маллаев мамлакатимиздаги санъат шайдоларига яхши таниш. Улар бир неча ўн йил давомида ўз санъати билан миллионлаб кўшиқ шинавандаларини хушнуд этиб келган, аммо тақдир тақозоси билан АҚШга кўчиб кетган эди. Айтиш керакки, асар Америкада жуда катта муваффақият билан намойиш этилди.

Бобур СОБИРОВ,
Ўза муҳбири.

Пири бадавлатларимиз
ҚАРИСИ БОР УЙНИНГ
ПАРИСИ БОР

Кексалар хонадонларимиз файзи. Қашқадарё вилоятининг Китоб туманидаги «Паландара» хўжалигининг «Дўнг» қишлоғида яшовчи Очилой ая ҳам ана шундай табаррур онахонлардан.

ИЛК УЧРАШУВЛАР
МЕҲМОНДА

Осиё Футбол Конфедерацияси китъанинг икки энг нуфузли мусобақаси — чемпионлар кубоги ҳамда кубок эгалари кубоги турнирлари дастлабки босқич беллашувларининг ўтказилиш саналарини маълум қилди.

— Бизнинг бизнинг оёқимиз оёқимиз билан олижаноб фазилат бу кўнгли пок, бағри кенг, гуноҳ ва савобни фарқлай биладиган мардлик, ўзгалар муваффақиятидан хурсанд, ҳақиқий дўст бўладиган, ҳар бир қадамини пул билан ўлчамайдиган, саховатига одамгина санъаткор деган юксак мақомга эга бўла олади.

Кубок эгалари кубоги беллашувларида мамлакатимиз шарофтини ҳимоя қилувчи «Самарқанд-Динамо» ҳам биринчи учрашувни рақиби, Туркменистоннинг «Небитчи» жамоаси майдонида ўтказди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
«Ишонч» муҳбири.

Суратда: Очилой ая неваралар даврасида.

Шавкат СУЛТОН
олган сурат.

Ўз — ўтмоқда соз
ЗАВҚЛИ ОНЛАР

Ўзбекистонимизнинг келажиги бўлиши ёш авлодни соғлом, бақувват, билимдон, меҳнатсевар этиб тарбиялаш ҳар бир ота-она, ўқитувчиларнинг бурчидир.

оливчиларни жисмонан оинқитиришга катта аҳамият бериляпти. Жисмоний тарбия ўқитувчилари томонидан турли спорт мусобақалари ўтказилляпти.

уюштирилмоқда. Дам олиш масканларида ўқувчиларнинг овқатланиши ҳам яхши ташкил этилган.

Туманимизда 9 та умумтаълим мактаблари хузурида ёзги дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳлари ташкил этилди.

«Олтин оғуш» гуруҳларро қувноқ стартлар мусобақаси, «Ким чаққон», «Биз қайси эртакдан бўламиз?», «Нон азия», «Одоб — инсон кўрми» мавзуларидаги тадбирлар гоят қизиқарли, эсда қоларли бўлди.

Уларнинг қизиқишларини инобатга олган ҳолда турли йўналишдаги тўғрақлар ташкил этилган.

Болаларни соғломлаштириш учун барча шароитлар мавжуд. Оромгоҳларда дам

тирилиши учун алоҳида тиббий хоналар, стоматология хоналари ажратилган.

Уларнинг соғлигини, озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёр таомнинг сифатини кузатиб бориш мақсадида оромгоҳларда назорат комиссияси фаолият ташкил этилган.

Оромгоҳларда дам

тирилиши учун алоҳида тиббий хоналар, стоматология хоналари ажратилган.

Уларнинг соғлигини, озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёр таомнинг сифатини кузатиб бориш мақсадида оромгоҳларда назорат комиссияси фаолият ташкил этилган.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир хайъати:
Ж.Алимуҳаева, В.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир уринбосари «Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

Сафар ТЕШАЕВ,
Когон шаҳар халқ таълими бўлими мудири.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78,
136-58-45; Хатлар бўлими
56-85-43; Реклама,
эълонлар бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан
чиқа бошлаган

Маъмулимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган.